
БАҒДОД ТУМАНИ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШУВЧИ ОРГАНЛАРИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ.

Унда туман сектор раҳбарлари, прокуратура, ҳокимлик, ички ишлар бўлими ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарияти, маҳалла раислари, ҳудуд профилактика инспекторлари, алоқадор ташкилот ва муассасалар вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда жорий йилнинг 1-ярмида туманда умумий жиноятчилик ҳолати, динамикаси, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар масалалари муҳокама қилинди.

Туман прокурори А.Хасанов тадбирда маъруза қилиб, умумий жиноятчилик аҳволи, ошган жиноят турлари, фош этилмаган жиноятлар юзасидан дастлабки тергов ва тезкор-излов, қидирув ишлари ҳолати, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласини олдини олишга қаратилган тадбирлар ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ўрганиш натижалари хусусида тўхталди.

Шунингдек, туманда содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар, ушбу хавfli иллатларни келтириб чиқарган сабаблари таҳлил қилиниб, маъсулларнинг изоҳлари тингланди.

Жиноятчиликни жиловлаш борасидаги вазифаларни масъул идоралар билан ҳамкорликда самарали ташкил этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати (https://t.me/bagdodim_news)

2024-07-19 10:29:43